

# Тошкент ҳақиқати

Вилоят ижтимоий—сиёсий газетаси

1993 йил 18 май • Сешанба

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда.

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

№ 57 (10.483). Нархи 8 сўм.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

## ДАВЛАТ СИРЛАРИНИ САҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, мулк шаклидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бирлашмалар, Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий тузилмалари ва фуқароларининг республика ҳудудидаги ҳамда унинг ташқирисидagi фаолиятининг барча турларида давлат сирларини сақлашнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

### 1-модда. Давлат сирлари тушунчаси

Давлат томонидан қўриқланадиган ва махсус рўйхатлар билан четаралаб қўйилган алоҳида аҳамиятли, мутлақо махфий ва махфий ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва ўзга хил маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг сирлари ҳисобланади.

Давлат сирлари Ўзбекистон Республикасининг мулкидир.

### 2-модда. Давлат сирларини сақлашнинг ҳуқуқий асоси

Давлат сирларини сақлашнинг асоси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Қонун ва унга мувофиқ равишда чиқариладиган Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

### 3-модда. Давлат сирларининг категориялари

Ўзбекистон Республикасининг давлат сирлари — давлат, ҳарбий ва хизмат сирларини қамраб олади.

Ошкор этилиши республика ҳарбий-иқтисодий имкониятларининг сифат ҳолатига салбий таъсир этиши ёки Ўзбекистон Республикасининг мудофиа

қобилияти, давлат хавфсизлиги, иқтисодий ва сиёсий манфаатлари учун бошқа оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган маълумотлар давлат сирини ташкил этади.

Ошкор этилиши Ўзбекистон Республикасининг мудофиа қобилияти, давлат хавфсизлиги ва Қуролли Кучлари учун оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳарбий хусусиятга эга маълумотлар ҳарбий сирини ташкил этади.

Ошкор этилиши Ўзбекистон Республикаси манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган фан, техника, ишлаб чиқариш ва бошқарув соҳасига доир маълумотлар хизмат сирини ташкил этади.

### 4-модда. Муайян тартибга бўйсунувчи объектлар

Алоҳида тартибга бўйсунувчи, алоҳида муҳим ва муайян тартибга бўйсунувчи объектлар рўйхати, шунингдек уларнинг сирасига мансуб деб топиш тартибига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

### 5-модда. Ахборотларни давлат сирларига мансуб деб топиш

Ахборотларни махфийлаштириш ва махфийликдан чиқариш ушбу Қонунга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган маълумотларнинг махфийлик даражасини аниқлаш ва белгилаш тартиби тўғрисидаги Низом ва Ўзбекистон Республикасида махфийлаштирилиши лозим бўлган маълумотлар Рўйхатига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти белгилаб қўядиган давлат сирларини сақлашни таъминловчи давлат органлари Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг мулк ҳисобланган ахборотларни махфийлаштириш ва махфийликдан чиқаришга ҳақлидир.

Давлат сирларига тааллуқли маълумотларга эга бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, айрим фуқаролар бундай маълумотлар махфийлаштирилиши зарурлиги тўғрисидаги масала ҳал этилиши учун давлат сирлари сақлашнинг таъминловчи органларга мурожаат этишлари лозим.

Махфийлаштирилиши фуқаронинг шахсий хавфсизлигига таҳдид соладиган ахборот давлат сирларига мансуб деб топилиши мумкин эмас.

(Давоми 2-бетда).

## Тошкентда тўхтаб ўтди

Беларусь Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси Вячеслав Кебич бошчилигидаги ҳукумат делегацияси шу йил 15 май кунини Хиндистондан қайтаётиб, Тошкентда тўхтаб ўтди. Пойтахт аэропортида делегацияни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил

Жўрабеков ва бошқалар кутиб олдилар.

Улар ўртасида иккала мамлакатнинг муносабатларини янада ривожлантириш ҳақида дўстона суҳбат бўлди. Меҳмонлар кўрсатилган иззат-иқром ва самимий суҳбат учун ташаккур изҳор этдилар.

(ЎЗА).

## ВАТАНИМ... СЕНИ ЎРТАНИБ СУЙГАНДИМ

КУНИ кеча Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Тошкент вилояти бошқармасининг Қибрай тумани Май қишлоғида жойлашган постига айни навқирон йигитлик пайтида эл-юрт манфаати йўлида жон фидо қилган Саидакбар Нажимов номини бериш ва унга ўрнатилган ёдгорликнинг очилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Бу маросимга республика Давлат божхона қўмитасидан, қўшни Тожикистон ва Қозоғистон жумҳуриятларидан вакиллар, Май қишлоғи аҳолиси, марҳумнинг ота-оналари, ёр-биродарлари йиғилдилар. Республика телерадиокомпаниясининг диктатори Ботир Зиёев қалбларни ларзага солувчи оҳанг билан сўзлайди...

Ватаним,  
Мен сени шундоқ  
суймадим,  
Куйиб, ёниб суйдим,

Ўртаниб суйдим.

Мана, сўнгги лаҳза  
Қора туфроғингга  
Лола бўлиб қолган  
бошимни қўйдим.

Сўз давлат божхона қўмитаси раиси, милиция генерал-майори Ураймжон Абдуғаниевга берилди.

— Ватан посбони Саидакбар Нажимов,— деди у,— онги ва шури сўқир одам қиёфасидаги қотиллар томонидан ёвузларча ўлдирилди. Лекин у осонликча таслим бўлмаганди. Тўппончасидан отилган саккизта ўқнинг гильзалари ва бошқа ашёвий далиллар шундан далолат беради. Саидакбар ўлгани йўқ. Унга шу ерда ёдгорлик ўрнатилди. Токи одамлар бу ердан ўтаётганларида унинг мардона ва мағрур чеҳрасига боқиб таъзим бажо келтирсинлар.

(Давоми 2-бетда).



● СУРАТЛАРДА: Ёдгорликнинг очилиши маросимидан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН олган суратлар.



## Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ДАВЛАТ СИРЛАРИНИ САҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бегда).

Ахборот эгалари ахборотларни махфийлаштириш ёки махфийликдан чиқаришга оид қарорларни устидан судга шикоят қилишга ҳақлидирлар.

**6-модда. Давлат сирларини сақлаш тизими**

Ахборотларни махфийлаштириш, улар билан танишиш учун ижозат бериш тартибини ҳамда шу билан боғлиқ чекловларни, шунингдек давлат сирларидан фойдаланиш тартибини ўзида мужассам этувчи давлат сирларини сақлаш тизimini Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросига махфий маълумотлар билан ишда фойдаланиш учун берилган ижозатни тўхтатиш ёки бундан маҳрум қилиш фуқарони ўзига маълум бўлган давлат сирларини ошкор қилмаслик мажбуриятидан ҳалос этмайди.

**7-модда. Ахборотларни махфийлаштириш муддатлари**

Ахборотлар махфийлаштирилишининг қанчалик асосли эканлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда ҳар беш йилда қайта кўриб чиқилади.

**8-модда. Давлат сирини ёки ҳарбий сирлардан воқиф бўлган фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклаш**

Давлат сирини ёки ҳарбий сирини ташкил этувчи маълумотлар билан ишлаётган ёки ишлаган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ўзи ёзма равишда берган розилиги билан махфийлик муддати тугагунга қадар, лекин кўпи билан беш йилга ҳуқуқлари чекланиши мумкин.

**9-модда. Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизматининг давлат сирларини сақлаш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати ўз ваколат доирасида: давлат сирларини сақлаш тартибини, алоқанинг махсус турлари ва шифр иши хавфсизлигини, чет эл разведкасининг техникавий воситаларига қарши ҳаракатларини таъминлаш устидан назоратни йўлга қўяди;

давлат бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бирлашмаларда махфийлик тар-

тиби текширилишини амалга оширади. Бунда давлат сирларини сақлашга қаратилган чора-тадбирлар кўриш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар тақдим этади;

давлат сирини ёки ҳарбий сирини ташкил этувчи маълумотлар билан ишда фойдаланишга ижозатни расмийлаштиришда фуқароларнинг розилиги билан уларни махсус текширувдан ўтказиши;

давлат сирларини сақлаш масаларида идораларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

давлат сирларини сақлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган ўзга чора-тадбирларни амалга оширади.

**10-модда. Давлат сирларини сақлаш борасидаги бурч, уларни ошкор этганлик ёки қонунга хилоф равишда махфийлаштирилганлик учун жавобгарлик**

Давлат сирларини сақлаш — бундай сирларга эга бўлган барча давлат органлари, корхоналар, муассаса-

лар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг мансабдор шахслари ва фуқароларининг бурчи. Давлат сирларидан фойдаланиш билан боғлиқ бирон-бир ишлар бундай сирларни сақлаш юзасидан чоралар кўрилганидан кейингина амалга оширилади.

Давлат сирларини сақлаш бўйича масъулият давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бирлашмаларнинг раҳбарлари зиммасига юклатилади.

Давлат сирларини ошкор этганлик, бундай сирларни фойдаланган ҳужжатлар ва буюмларни йўқотганлик учун ёки ахборотларни қонунга хилоф равишда махфийлаштирилганлик учун айбдорлар Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,  
1993 йил 7 май.

### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY KENGAШINING QARORI

#### «ДАВЛАТ СИРЛАРИНИ САҚЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI QONUNINI AMALGA KIRITISH TЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган пайдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: маълумотларнинг махфийлик даражасини аниқлаш ва белгилаш тартиби тўғрисидаги Низомни; Ўзбекистон Республикасида махфийлаштирилиши лозим бўлган маълумотлар рўyxатини; Ўзбекистон Республикасининг алоҳида тартибга бўйсунувчи, алоҳида муҳим ва муайян тартибга бўйсунувчи объектлар рўyxатини; Ўзбекистон Республикасида махфийликни сақлаш тартибин таъминлашга доир йўриқномани ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

давлат сирларини сақлаш борасидаги ишларни дул билан ва моддий-техника билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларини «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Раиси

**Ш. ИУЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри,  
1993 йил 7 май.

## ВАТАНИМ.. СЕНИ ЎРТАНИБ СУЙГАНДИМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шундан сўнг ёдгорлик очилиб, пойга гулчамбарлар қўйилди. Унинг хотираси бир дақиқа сукут сақлаб ёдга олинди. Қаҳрамоннинг ёр-дўстлари унинг фаолияти ҳақида сўзлайдилар. Мактаб ўқувчилари мардликни мадҳ этувчи шеърлар ўқишди.

Сўнгра Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитаси ходимлари ўта шарафли ва масъулиятли вазифани бажариб, мамлакатимиз Президенти ва халқига чексиз садоқат билан хизмат қилишга, пок, ҳалол ва мард бўлишга, миллий бойликларни кўз қорачиғидек асрашга, бу йўлда куч-қувватни, билим, маҳорат ва имкониятларни ишга солишга, керак бўлса жон фидо қилишга қасамёд қилдилар. Божхона ва милиция ходимлари ўз дўстлари хотираси шарафига ёдгорлик олдидан саф тортиб ўтадилар. Маросим сўнгида йиғилганлар С. Нажимов ҳалок бўлган жойни зиёрат қилдилар. Ушбу маросимда республика бош вазирини ўринбосари Т. Мирёқубов қатнашди ва нутқ сўзлади. Шунингдек, маросимда Тошкент вилояти ҳоқими С. Д. Сайдалиев,

вилоят ҳоқими муовини Б. Махситов ўртоқлар қатнашдилар.

Ҳа, республика Президенти таъкидлаганидек, бизда она-Ватан манфаатларини ҳар нарсадан устун қўювчи чинакам ватанпарвар, буюк Ўзбекистон давлатини барпо этиш ишига чексиз содиқ кишилар кўп. Ташкил этилганга ҳали бир йил тўлмаган бўлишига қарамай республика давлат божхона қўмитаси ходимлари республика камиз бойликларини четга олиб чиқиб кетишлардан хушёрлик билан сақламоқдалар. Ўзини она юрт фарзанди деб билган ҳар бир инсон Ватанини, унинг бойлигини мардона ҳимоя қилади, асрайди. Ушбу маросимда божхона қўмитаси ходими Абдуллажон Қодиров таъсирчан ифодалаганидек, «Саиданбар жон дилида ортиқ суйган Ватан, унинг бойликларини ҳеч қачон оёқ-устига бўлмайди. Чунки унинг муносиб ҳимоячилари бор. Минглаб Саиданбарлар сафда сергак турибдилар». Саиданбар Нажимов барҳаёт, унинг порлоқ хотираси қалбларимизда мангу яшайди.

**Х. ШАФОАТОВ,  
Ф. СУЛАЙМОНОВА.**

## ИСТИҚЛОЛ КЎЗГУСИ

ИЖТИМОЙИ ҳаётимиз жумбоғини ҳаммадан олдин, теранроқ англаган, унинг муаммоларини кенгроқ ва чуқурроқ мужассамлаштирган асар истаъимизми, йўқми, вақти келиб, халқ томонидан ўз баҳосини олади. Бундай асарлар ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда дастур сифатида ҳам қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — келажак буюк давлат» рисолаларини ҳам мустақиллик, покланмиш ва тараққиёт қомуси деб таърифласа бўлади. Яқинда Тошкент кооператив техникумида Ислам Каримовнинг ушбу рисола-

лари асосида илмий-назарий конференция бўлиб ўтди. Техникум директори Ш. Аҳмедов бу рисолаларнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳамда барча соҳалардаги йўли ҳақида гапириб, уни ўрганиш ва ҳаётга таъбиқ этиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини таъкидлади. Муҳокамада, шунингдек, Х. Тўлабоев, К. Авдинов, О. Хуршидова, И. Ниёзов, А. Алиев сингари ўқитувчилар ҳам қатнашиб, бу асарларнинг мутахассислар тайёрлашда ҳам аҳамияти катта эканлигини айтиб ўтдилар. Шу боис бу рисолаларни техникумда чуқур ўрганиш зарурлигини таъкидлашди.

**Г. ЖҲРАБЕКОВА.**

• Яна бир ҳаво йўли:

## ТОШКЕНТ — БАНГКОК

КЕЧА

Ўзбекистон авиаторлари ҳаётда яна бир янгилик юз берди. Учувчилар республикамиз осмони узра Бангкок шаҳрига йўл солдилар. Учиб арафасида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг бош директори ўринбосари, Тайланд бўйлаб сийов учишининг раҳбари Бекпўлат Уразович Салимов муҳбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Бу воқеа авиаторлар учунгина эмас, бутун республика учун ҳам ўта муҳимдир. Бу йўл бизни Жануби-Шарқдаги анча иқтисодий бақувват бўлган Тайланд, Жанубий Корея, Япония каби мамлакатлар билан боғлайди, келажакда ҳамкорлик учун кенг имкониятлар очилади. Туристлик саёҳатлар, иш юзасидан алоқалар ва олди-сотидан иб-

рат бозор муносабатлари ўрнатилади.

Ҳафтада икки марта йўлга қўйилган рейсга талабгорлар кўпайиб бормоқда. Келгусида училар сон янада кўпаяди.

— Бекпўлат Уразович, халқаро рейслар сонининг ўсиб бориши хизмат сифатини янада яхшилаш муаммоларини келтириб чи-

қарса керак. Бу борада мушкулликлар йўқми?

— Саволингиз ўринли. Қийинчиликлар мавжуд. МДХ самолётлари кўп жиҳатдан чет элликдан орқада. Хусусан бу қулайликнинг камлигида сезилади. Енигини ҳам кўп сарфлайди. Шунга қарамай, биз авионарқимизни энг яхши самолётлар ҳисобига бойитиб борамиз. Июнь ойида икки та А-310 аэробусларини оламиз. Шу самолётлар келажакда Тошкент — Бангкок бўйлаб парвоз қиладилар.

— Бекпўлат Уразович, халқаро авиа йўллари ўлаштиришда машаққатлар ҳам мавжуд. Хусусан, Деҳ-

лида бизнинг самолётимиз билан бўлган кўнгулсиз воқеа оқибатлари ҳақида билишни истар эдик.

— Бу ҳол биз томондан ҳам, ҳиндистонликлар томонидан ҳам ўрганилмоқда. Фақат бир нарсани айтишим мумкин: экипаж жуда нобоб об-ҳаво шароитига тушиб қолган. Бу ҳар бир авиакомпания фаолиятида содир бўлиши мумкин. Бизнинг учувчиларимиз шундай вазиятда йўловчиларни эвакуация қилишда фидокорлик кўрсатдилар. Ҳеч ким зиён, заҳмат чекмади. Бу эса ҳиндистонликлар ташаккурига сазовор бўлди.

Истак шуки, Тошкент — Бангкок авиа йўлидаги парвозларга омад тилайман. Йўллар ҳаминша бехатар бўлсин.

**Ю. ҚОБИЛЖОНОВ.**

## ТЎРТИНЧИ УЙҚУДАН ТУРДИ

ҚИБРАЙ туманидаги «Қизил Ўзбекистон» хўжалигининг пиллакорлари ҳар йилгидек бу йил ҳам режадагидан анча кўп қумуш тола етказиб бериш учун ҳаракат қилмоқдалар. Айниқса, Сауле Сарсеяова, Азиза Тиллаева, Сийди Жумабоева сингари пиллакорлар қурт уруғини боқашда яхши натижаларга эришмоқдалар. Улар ҳар бир қути уруғдан 100—110 килограмдан сифатли хом ашё топширишга ваъда берганлар.

**Т. ҚОДИРОВ.**



СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ УЧУН!

# ТАБИАТ ВА ИНСОН

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚҮМИТАСИ САҲИФАСИ

## КЕНГАШ ТУЗИШДАН МАҚСАД...

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ўсиб келаётган авлодга экологик таълим бериш ва тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда.

Бу муҳим ишни амалга оширишга малакали раҳбарлик қилишни таъминлаш мақсадида давлат Табиатни муҳофазаси қилиш қўмитаси, Республика олий ва ўрта махсус таълим ҳамда халқ таълими вазирликларининг қўшма бўйруғи билан экология бўйича идоралараро мувофиқлаштириш кенгаши тузилди.

Вилоят табиатни муҳофазаси қилиш қўмитаси ҳам бу муҳим масала билан муттасил шуғулланмоқда. Унинг таркибий бўлимлари бу ишга ўтган йил бошларида киришган эдилар. Вилоят қўмитаси ходимлари жойларда бўлиб, қатор шаҳар ва районларда ўсиб келаётган авлодни экологик тарбиялаш ва таълим беришнинг йўлга қўйилишини ўргандилар. Улар мактаблар, болалар боғчалари, ёш табиатшунослар станциялари, табиат ишқибозлари тўғрақлари, вилоят халқ таълими бошқармалари, шаҳар ва туман бўлимлари, педагогик ходимлар малакасини ошириш институти, шаҳар ва туман табиатни муҳофазаси қилиш қўмиталарининг бу соҳадаги ишлари билан танишдилар. қатор экологик тадбирларни биргаликда ўтказдилар.

Ёш авлодга экологик таълим бериш ва тарбиялаш бўйича тўпланган тажрибани умумлаштириш ва кенг ёйиш мақсадида вилоят халқ таълими бошқармаси, педагогик ходимлар малакасини ошириш институти билан биргаликда ўтган йилнинг апрелида ўқувчиларни экологик тарбиялаш муаммоларига бағишланган биринчи вилоят илмий-амалий конференциясини ўтказдилар. Бу ерда ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг ишлари асосида «Табиат ва биз» мавзусида кўргазма ҳам ташкил этилди.

Конференция қатнашчилари биология, кимё, зоология дарсларида бўлдилар, ўқувчилар билан дарсдан ташқари ишлаш ва уларни ёзги таътил даврида табиатни муҳофазаси қилиш фао-

лиятига жалб қилиш шакллари ва усулларини ўргандилар. Вилоят табиатни муҳофазаси қилиш қўмитасининг таъсис этган махсус мукофотлари ўқувчиларга экологик таълим бериш ва тарбиялашда яхши ютуқларга эришган 5 та мактаб, вилоят ва Бекобод ёш табиатшунослар станциялари, 9 нафар ўқитувчи ва тўғрақлар раҳбарлари, шунингдек 10 нафар ўқувчига берилди.

Коллегиа мажлиси бу ишни янада яхшилаш мақсадида вилоят табиатни муҳофазаси қилиш қўмитаси ва вилоят халқ таълими бошқармасининг ўсиб келаётган авлодга экологик таълим бериш ва тарбиялаш бўйича биргаликдаги иши ва уни яхшилаш чоралари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Шу нарса таъкидлан-

### АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ

дики, бу масала бўйича табиатни муҳофазаси қилиш қўмиталари, халқ таълими бўлимлари, ёш табиатшунослар станциялари, ҳокимликлар ходимларининг ҳамкорликдаги иши тобора мустақамланиб бормоқда. Масалан, вилоят Давлат педагогика институти ва Ангрен шаҳар табиатни муҳофазаси қилиш қўмитаси жамоалари шаҳарда аҳолининг турли табақаларини ўқитиш учун экологик марказ ташкил этиш таклифини киритдилар. Айни вақтда табиат музейини ташкил этишни назарда тутмоқдалар. Шундай таклифлар Бекобод, Янгийўл шаҳарларида ҳам ўртага қўйилди. Экологларнинг бу ташаббусини шаҳарлар ҳокимликлари тўла қўллаб-қувватлашди.

Шу йилнинг март-апрель ойида экологлар, халқ таълими бўлимлари, ҳокимликлар ходимларининг биргаликдаги куч-ғайрати билан ҳомий бўлган саноат корхоналари ва жамоат ташкилотлари иштирокида мактабларнинг «Сен ўз районинг табиатини қандай биласан ва севасан?» мавзусида кўрик-танловини тайёрлади ва ўт-

казди. Бундай танловлар Бўка, Пискент, Уртачирчиқ, Чиноз, Оҳангарон ва бошқа туманларда ташкил этилди. Мактабларнинг командалари туманларнинг экологик муаммоларидан яхши хабардор эканликларини кўрсатди. Улар бу муаммоларни ҳал қилиш бўйича ўз таклифларини киритдилар, табиатни муҳофазаси қилиш фаолиятида қандай иштирок этаётганликларини гапириб бердилар.

Мажлисида вилоят табиатни муҳофазаси қилиш қўмитаси ва вилоят халқ таълими бошқармасининг биргаликдаги тадбирлари тасдиқланди. Барча умумий таълим мактабларида мажбурий экологик ўқувни йўлга қўйишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқишда амалий ёрдам кўрсатиш, ижобий тажрибани умумлаштириш ва ёйиш, бу тадбирларни амалга оширилиши устидан назорат қилиш учун ишчи гуруҳи тузилди. Педагогик ходимлар малакасини ошириш институтига вилоят халқ таълими бошқармаси билан биргаликда экологик мавзу бўйича таълимнинг услубий қўлланмасини 1993—1994 ўқув йили бошланишигача ишлаб чиқиш ва бу ишга мутахассислар гуруҳини жалб этиш топширилди. Вилоят экология ва табиатшунослик марказига вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ҳамда табиатни муҳофазаси қилиш қўмиталари иштирокида ёзги дам олиш даврида маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиб болалар билан экологик машғулотлар олиб бориш шаклини белгилаш тавсия этилди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси, табиатни муҳофазаси қилиш қўмитаси ва педагогик ходимлар малакасини ошириш институти ҳамкорликда шу йилнинг май ойида мактаб ўқувчиларининг экологик тарбияси муаммолари бўйича иккинчи вилоят илмий-амалий конференциясини ўтказиш ва айни вақтда ўқувчилар ишларининг «Табиат ва биз» мавзусидаги кўргазмасини ташкил этишга қарор қилдилар. Ҳозирги вақтда унга тайёрларлик ишлари қизғин бошланиб кетди.

## Дарахтда айб нима?

Бу сув чиқариш иншооти ишга туширилганига кўп йиллар бўлган. Оққўрғон туманидаги қатор давлат ва жамоа хўжаликлари далаларига оби-ҳаёт шу иншоотдан ўтиб боради. Унинг атрофларига тераклар экилган. Улар виқор билан осмону фалакка бўй чўзиб, теварак-атрофга кўркамлик бахш этади. Соя-салқин қилиб туришини айтмайсизми? Қушларнинг ҳам макони. Қисқаси шу жойнинг кўрки эди.

Уларнинг бундайлиги туман ичимлик сув тармоқлари бошлиғи В. Жалоловга ёқмади, лекин қандайдир сабаб билан шу теракларга арра солиб юборди. Қондага мувофиқ бунинг учун мутасадди ташкилотлар, биринчи навбатда туман табиатни муҳофазаси қилиш комитетининг рухсати бўлиши лозим. Фақат шундагина кесиш мумкин. Агар у кўкариб турган бўлса умуман кесиш бўлмайди. Ахир бир донга терак ҳам бир ойда ўнлаб куб метр карбонат ангидрид, яъни захарли моддани ютиб, тоза ҳаво чиқаради. Унга «қасд» қилишдан олдин масаланинг шу томонини обдон тазога солиб кўриш, оқибатини аниқ тасаввур қилиш керак эди.

В. Жалолов эса буну ўзи-га эп билмади ёки иш имижимида ўтиб кетади, деб ўйлади. Дарахтлар орасидан

битта-яримтаси кесилса ҳеч ким сезмайди, нима ҳам дер эди, деган ҳаёлга борди. Ваҳоланки, бу ерда кўкариб турган ҳар бир терак қатъий рўйхатда эди. У буни инобатга олмади. Ўйламай-нетмай таваккалчилик, ўзбошимчилик қилди.

Аввалига иккита-учтасини кесди. Дастлаб ҳеч ким ҳеч нарса демагач иштаҳаси очилиб кетди шекилли бошқа дарахтларга ҳам, яна сипсиллик, текис ва тик ўсганларига ружу қилди. Хашпаш дегунча саккизта дарахтни қесиб юборди. Унинг бу қилмиши исиз йўқолмади. Айниқса, табиатни муҳофазаси қилиш жонкуярлари индамай қўймадилар. Унинг бундай ўзбошимчилигини фош этдилар. Оддий танбеҳ бериш билан чекланмадилар. Табиатга етказган зарари учун моддий жарима солдилар. Бу етти ярим минг сўмини ташкил этди.

Ўйламай қилинган иш, бошга келтирилган ташвиш, деб шунга айтишса керак. Ўзбошимчилиги В. Жалоловга қимматга тушди. Бу у ва унга ўхшаган табиатга кўз олайтирувчиларга сабоқ бўлиши керак. Чунки, дарахтлар ҳам халқ бойлиги, диёр кўрки ҳисобланади, бизда. Унга путур етказганлар эса жазосиз қолмасликларини билишлари лозим.

## ФАРМОЙИШНИ БАЖАРМАГАНЛИГИ УЧУН

Бу дам олиш минтақаси Бекобод туманининг қушманзара жойларининг бирида ташкил этилган. Каттагина ҳудудни эгаллаган «Автомотоҳаваскор» дам олиш минтақаси раҳбарлиги табиатни муҳофазаси қилиш қўнун-қондаларини қўпол равишда бузилишига йўл қўймоқдалар. Аввало бу ҳудуддан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган ҳеч қандай ҳужжатни расмийлаштирмаган. Бусиз эса умуман дам олиш минтақасини ташкил этиш мумкин эмаслигини назарга олмаган.

Туман табиатни муҳофазаси қилиш комитети нозирлари бу ҳақда дам олиш минтақаси раҳбарларини, шахсан бу уюшма кенгаши раиси М. Ботирбековни бир неча бор огоҳлантирдилар. Ҳатто ёзма равишда фармойишлар берилди.

Лекин, улар бажарилмай

қолаверди. Раҳбарлик фақат қуруқ ваъда беришдан нарига ўтмади. Орадан ойлалар ўтиб кетди. Шундай бўлса ҳам иш жойидан кўзгалмади. Ниҳоят нозирларнинг тоқати тоқ бўлди. Улар қаттиқроқ жазо беришни лозим топдилар.

Маслаҳатлашиб моддий жарима билан жазолашдан бошқа иложлари қолмаганлигини инобатга олишди. Раис М. Ботирбековга беш минг сўмлик жарима солдилар. У шунча маблағни шахсий жамғармасидан тўлайди. Энди кўзи очилди, пушаймон ҳам бўлгандир. Лекин машҳур нақлда айтилганидек, кейинги пушаймон, ўзинга душман. Ҳа, энди пушаймон бўлишининг ҳожати ҳам, ўрни ҳам йўқ. Лоқайдликнинг шунга олиб келиши аниқ ва равшан эди.

М. МАҲМУДОВ.



# ШУНДАЙ МАРКАЗ КЕРАК

**НОДОНЛИК,** лоқайлик, саводсизларча муносабатимиз оқибатида она-табиати-мига ниҳоятда катта зарар етказдик. Эндликда ҳудудимиз ҳавоси, ери, суви, табиий бойликларига эгалик руҳини тиклаш — экологик тарбия шининг асосий мазмуни бўлиб қолиши керак. Чунки, биз ҳозирги ижтимоий ҳаётимизни ривожлантиришда шундай чегарага келиб қолдикки, эндиликда тезлик билан экологик-эко-этибор бериб, экологик-эко-номика бирлигини ривожлантиришга (экоривожлантиришга) Утишимиз зарур бўлиб қолмоқда. Инсон экологиясини жиддий ўйлаш, экологик таълим-тарбия ишларини кенг бошлаб юбориш лозим.

Шу кунга қадар асосий эътиборни иқтисодий ўсишга, ривожлантиришга қаратиб, экологик муаммоларни ҳаддан ташқил қилиб юбордик. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт деб иқтисодий мувозанат, метёр чегарасидан чиқиб кетди. Энди бундан буғига ҳўжасизликка чек қўйиб, табиатимиз олдида виждонсизлик қилмасдан, унга ҳам хизмат кўрсатайлик. Экологиянинг иқтисодий устиворлигини ҳам таъминлайдик.

Шундай бир шароитда илмий марказ бўлишини ижтимоий ҳаётимиз тақозо этмоқда. Бу тарбия марказининг асосий мақсади шаҳар ва унинг атрофи табиат муҳитини экологик илмий йўналишда бошқариб, кенг меҳнатқашлар оммаси орасида экология бўйича таълиқот ва тарғибот ишларини олиб боришдан иборат бўлиши керак. Натигада, Англис шаҳар ва атроф-муҳити табиатини илмий асосда ташкил этиш, шакллантириш тадбир-чораларини кўриш учун шарт-шароит яратилди.

Шаҳримизда маънавий дунё экология, мафкура-си билан шуғулланувчи кўплаб ташкилотлар бор. Ҳақ таълимин бўлиши, табиатни муҳофаза қилиш жамияти, шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва назорат қилиш хизмати маркази, қизил ярим ой жамияти ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Ҳозирги вақтда янги экологик фикрларнинг тарқиб топтириш, мақсадимизни,

услубимизни аниқлаб олишимиз лозим. Табиатимизни муҳофаза қилиш учун янги усул-устубият йўналишига эга бўлган экологик усул лозим. Булар ҳам экологик марказ очилишини кун тартибига қўймоқда. Бу марказда экологик билимларда халқ университетини очиб муимкин. Бундан ташқари унинг ёрдами билан епископ экологик ўқини ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш, жўялар табиий муҳофазасига бағишланган матруза ва давра суҳбатларини кенг жорий этиш, муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишда фаол қатнашиш, ишлаб чиқариш корхоналарида турли хил режалар асосида тадбирларни амалга ошириш имконини бўлади.

Бизнинг фикримизча, марказ иш фаолиятининг иқтисодий асосий иш йўналиши Англия ва Швейцарияда экологик таълим-тарбияни йўлга қўйиш, ривожлантиришга қаратилган бўлиши лозим. Ҳўжувчиларни табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, унинг бойликларини асраш кўникмаларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун ўқув юртиларида экологик хоналар, тўғарақлар, марказ филиалини очиб керак. Экологик йўналишдаги гуруҳ ташкил этилиши лозим.

Бу янги очиладиган ёки ташкил этиладиган илмий-устубият маркази жамоатчилик ва шаҳримиз раҳбарлари эътиборини давримизнинг долзарб масаласи — экология ишларига жалб қилиш ишига муайян даражада ёрдам беради. Халқимизнинг экологик маънавий дунёсини шакллантиришга ҳисса қўшиб, жаҳондаги табиатни асраш бўйича илгор тажрибаларини ўрганиш ва жорий қилиш билан ҳам шуғулланарди. Бу билан экологик саводхонлигимиз сифатини оширарди. Қисқаси, экология бўйича илмий-амалий марказни очиб вақти келди. Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ҳам бизни шунга даъват этмоқда.

**С. БОҚИЕВ,**  
Тошкент вилоят Давлат педагогика институти ижтимоий-иқтисодий география кафедрасининг мудири, география фанлари номзода.

**ШАҲАРЛИКЛАРНИ** ичимлик суви билан етарлича таъминлаш «Водоканал» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасининг энг муҳим вазифасидир. Бирлашма немигизга 1958 йилда асос солинган эди. Шу йиллар давомида шаҳар ҳудуди кенгайди, аҳолиси сон ҳам бирнеча баравар ортди. Бу ўз навбатида бенообдиқларни ичимлик суви билан таъминлаш инада яхшилаш имкониятларини қидириб топмоқда. Яқинда қурилиши бошланган бешта сув чиқариш насосини (ҳар бири 350 минг сўмдан олинди) ёнги мавзозор қўрғонига янги сув ҳавзаси қурилиши ва у ердан 12 километр узунидаги сув қувурларининг шайришига таъминлаш ишлари бошланди. Шунинг билан шаҳарда янги сув қувурлари қурилиши ва у ердан 12 километр узунидаги сув қувурларининг шайришига таъминлаш ишлари бошланди. Шунинг билан шаҳарда янги сув ҳавзаси қурилиши ва у ердан 12 километр узунидаги сув қувурларининг шайришига таъминлаш ишлари бошланди.

## «ТАБИАТНИ АСРАНГ» КОНКУРСИГА

● **ЯНГИЙЎЛ** шаҳрида табиатни муҳофаза қилиш муаммоларига тобора катта эътибор берилмоқда. Аҳолини экологик тарбиялашга қаратилган турли-туман талбирларни амалга ошириш яхши анъана бўлиб қолмоқда. Яқинда шаҳар мактаблари ўртасида «Табиатни асраш» мавзуда кўрик-танлов бўлиб ўтди. Суратларда: ушбу кўрик-танловдан лавҳалар.



ҳал қилишни кўндаланг қилиб қўйди. Жумладан, ишшоот ва сув ҳавзаларида имевий ва биологик лабораториялар ташкил қилишга тўри келди. Бирлашма жамоаси бозор иқтисодиёти даврида рўй бераётган иқтисодий тангликларга қарама-қарши шаҳарликларни сув билан таъминлаш инада яхшилаш имкониятларини қидириб топмоқда. Яқинда қурилиши бошланган бешта сув чиқариш насосини (ҳар бири 350 минг сўмдан олинди) ёнги мавзозор қўрғонига янги сув ҳавзаси қурилиши ва у ердан 12 километр узунидаги сув қувурларининг шайришига таъминлаш ишлари бошланди. Шунинг билан шаҳарда янги сув ҳавзаси қурилиши ва у ердан 12 километр узунидаги сув қувурларининг шайришига таъминлаш ишлари бошланди.

## ИЧИМЛИК СУВИНИНГ ЯИГИ ИНШООТЛАРИ

● **Тўғри,** ортқича сув бериладиганликга қарама-қарши, дамша йиллардан кўндаланг арз ва шикоятлар бизга ҳам етиб келмоқда. Бунинг асосий сабабларига



келсаки, биринчи навбатда уй-жой бошқармалари ўз қарама-қарчилигидаги турар-жойларнинг санитария-техник ҳолатларига эътибор бермаслигини қидириб топмоқда. Кўн қаватли биноларда рейд ўтказганимизда айрим хонадонларда ичимлик сувининг берорга оқиб ётганлигини, иссиқлик батареяларига шланг улашиб, ваннага оқизаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Бундан ташқари, уйлар ертў-

## БЕФАРҚЛИК ОҚИБАТИ

● **БУ** бўрдоқчилик базаси Паркент шаҳрига жуда яқин жойлашган. Уш бир гектар майдонни эгаллаган бу чўра-вақиллик иншоотида қозлаб қорамол ва қўйлар семиртирилмоқда.

Базанинг мулоҳазага сазовор томонлари шуки, у шаҳарга нисбатан анча бадалдор жойда барпо этилган. Экология масалаларига етарли эътибор берилмаслиги натижасида у атроф-муҳитни, ҳатто, шаҳарни ҳам муайян даражада ифлослантирмоқда. Ҳўн йиғилдиغان чуқурлар молхонанинг юқори қисмида бўлиб, у вақтида табиот кетилмаслиги сабабли қор-ёмғир сувларига қўшилиб атрофга ёйилмоқда. Ҳатто аҳоли манзил-гоҳларига борадиган ариқлар сувига бориб қўшилмоқда.

База раҳбарлигиндан бундай нохушликни бартараф этиш бир неча бор ўлтимос қилинди, фермойишлар берилди. Лекин, улар бирор марта ҳам инобатга олинмади. Охир оқибатда директор О. Маҳмудов жарима билан жазоланди. У ўз ҳаётидан беш минг сўм тўлашга мажбур бўлди.

● **«Коммуна»** Энгельс номида давлат хўжалиқлари раҳбарлари А. Ҳўжиматов ва М. Асилловларга сўт-товар фермаларидаги экологик аҳоли қўниқарсизлиги кўрсатилди, бу соҳадан камчиликларни қўзғиб билан бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

**Р. САҒИБОВЕВ.**

ларидада қувурларнинг ёз қор ҳавода эканлиги, ёз мавсумида кундуз кунлари томорқаларни сугориш ҳолатларини инобатга олиш керак. Бу каби ҳолатлар айрим вақтларда ичимлик сувининг етарлича бўлмаётганлигига сабаб бўлмоқда.

## ТЎЛОВЛАР МИҚДОРИ КЕЛИШИБ ОЛИНМОҚДА

● **КЕИНИГИ** вақтларда республика раҳбарияти мамлакатимизнинг бутун ҳудудида экологик ҳолатни яхшилашга қаратилган аниқ мақсадли ва режалар ишларини амалга оширмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши ҳам бунинг ёрдамида бўлди.

Атроф-муҳитни нормалан ортиқча ифлос қилганлик учун ҳақ тўлашининг жорий этилиши ҳам шунга қаратилган. Бу қарор бизнинг вилоятимизда қандайд амалга оширилмоқда? Бу ҳақда вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ишлаб чиқариш-техника бўлимининг бош мутахассиси А. СУЛТОНОВ қўйидагиларни гапириб берди:

— Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бу қарорни бажаришга қаратилган муайян ишларни амалга оширди. Масалан, 1992 йилнинг январь-февралда табиатни муҳофаза қилиш жамағатига тушган тўловларнинг умумий миқдори 16,1 миллион сўмни ташкил этди. Бу жарималарнинг асосан нормадан ортиқча чиқиндилар қиқаришганлиги ва уларни жойлаштирилганлиги, чиқиндилар қиқариш бўйича белгиланган нормативларга риоя қилинмаганилиги, хўжалик фаолияти оқибатида табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг турли шаклда бузилганлиги учун тўланган маблағлар ташкил этди.

Бу йил нормадан ортиқча ташқари чиқиндилар қиқариш, уларни жойлаштириш учун ер эгалловчи корхоналар ва ташкилотлар билан келишиб тўловлар тўламоқда. Бундай ишлар учун 489 миллион сўм ҳажмидаги маблағ сарфланган лозим. Натигада атмосферага чиқиндиларни қиқариш миқдорига тонна камайд.

Электрлик ишлаб чиқариш бирлашмасида айрим ишчи-хўжалиқчиларнинг кенгайитилган ускуналар, қайта қуриш ва тўла таъмин ишларини маблағ билан таъминлашга сарфланган. Айни вақтда шу маблағ ҳисобига дарёлар ва каналлар сақланади, кўриқхоналар, миллий боғлар ривожлантирилади, табиатни муҳофаза қилиш ва унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш мажмуи дастурларини ишлаб чиқиш, аҳолини, аввало ўсиб келаётган авлоднинг экологик тарбиялаш ва таълим бериш тадбирларини ишлаб чиқиш ишларига сарфланади.

● **ҲОЗИРГИ** вақтда ҳам нормадан ортиқча ташқари табиатни ифлослантириш учун тў-

ни пайсалга солиб келмоқда. — **Бирлашма жамоасининг келгуси иш режалари ҳақида ҳам гапириб берсангиз?**

## «БУ ҚИЗИК!» ЎНИМИЗДА ТУНАГАН ЖАЙРОН

● **БУ** ВОҚЕА ўтган йили бешор пайтда қардош Қозғоғистоннинг Чимкент вилоятдаги Хонарқ қишлоғига яқин жойда рўй берганди. Биз қишлоққа сайр қилгани кетаётган эдик. Бунинг қарангки, ярим йўлга берганда, лавшимиз бузилиб қолди. Шофёр Алижан жибирбайрон, машинани тузатишга кирмишди. Хуллас, пешинга берганда машина тузалди. Шофёр тўри асфальт йўлдан бормасдан, мен яқин йўлни биларман, деб қир олиб юришини айтиди. Биз қир оралаб кетмоқдамиз. Ҳаммаёқ кўн-кўн. Тўғрайлар ўз қишгини айтиб тобора осмонга кўтарилиб саярлаб, баҳорни олқишласа, қиш-кўнлик лопалар қизил гилгага ўхшайди. Йўл-йўлакча бедона сўрашмоқ, ўтлаб юрган янги туғилган қўноқларнинг маънавий қиш қалбига ором бахш этади.

Бир маҳал осмону фалакка булут ёпирилиб кела бошлади. Момакелдироқ гулларда, шаррос жала кўйди. Енгил машина қир йўлда юрмоқчи, гилдиракларни кўк ўтининг устида сирганиб, тепаликларга чиқолмай қолди. «Томоқ» деди шофёр. Энди то ёлғир тиниб, ер селгиб қургунча, шу ерда қоламиз.

Емгир тинди. Лекин, ер лой. Бир ёнда қоронғилик борлигини ўз қарнига тортимоқда. Хуллас, кеч бўлди. Биз машинани тепаликка олиб чиқдик. Шу ерда тунайдиган бўлди. Ёлғирдан сўнг ер ҳўди, ўт ҳўди қишга ҳўзур бегишлар экан.

Ҳеч қачон қирда қолмаганимиздан ёки кўрқувданми, ичкилиб машинанинг ҳамма қиқирларини ёнқиб кўнмоқчи бўлдик. Лекин, шофёр қарши чиқди: «Аққушулотар ўлиб қолса, бир ой шу ерда қоламиз». Фақат машина қиқариш қиқирини ёнқиб кўнмоқчи бўлди. Бир маҳал машинадан анча нарида бир шарпел турганини кўрдик. Биронга қўн-қўн адашиб, қиқирини ёнқиб кўнмоқчи бўлдик. Машина эшигини оқсақ — анча нарига кетиб қолди. Машинага келиб ўтирган эдик, яна ёнқилгани интилади. Машинадан тушсақ, нарига кетади. Машинага чиқсақ, яқин келдик. Охири унга парво бўлмади уйку келди дейсизми? Хуллас, аста-секин томг ота бошлади. Болги шарпа ҳам бизнинг ёнқимизда томг оттирдик. Томг ёршиғанда унинг жайрон боласи эканлигини билиб қолдик.

У томг ёршиган сарни аста-секин жарлик томон кета бошлади. Жарликка етганда, бизга миннатдорчилик билдиргандай, узок қараб турди-да, жер томон қилиб кетди. Биз ҳам йўлга тушдик. Ер селгиб қолган эдик. Бир жайроннинг — тилсиз жониворнинг бизни орқа қилиб ёнқимизда тунагани ва бу билан унинг ҳаётини сақлаб қолишга ёрдам берганимиздан беҳад хурсанд эдик...

● **ҲОЗИРГИ** вақтда ҳам нормадан ортиқча ташқари табиатни ифлослантириш учун тў-

радамида 50 тонна шундай ҳажмли қувурлар олинди. Бундан ташқари, 11, 12, 64, 81-мавзелада ҳамда Киров кичик шаҳарчасида 5 километр узунидаги оралиқ қувурлари алмаштирилди. Ширинсойда эса 350 метр қувур ётқизилади. Келгусидаги режаларимиздан яна бир муҳими шундан иборатки, қўшчи қўрғонни атрофидан сув қувурлари ётқизибли, шаҳримиз аҳолисига юқори сифатли оби ҳаёт етказиб берилади.

## «ТАБИАТНИ АСРАНГ» КОНКУРСИГА

● **ЯНГИЙЎЛ** шаҳрида табиатни муҳофаза қилиш муаммоларига тобора катта эътибор берилмоқда. Аҳолини экологик тарбиялашга қаратилган турли-туман талбирларни амалга ошириш яхши анъана бўлиб қолмоқда. Яқинда шаҳар мактаблари ўртасида «Табиатни асраш» мавзуда кўрик-танлов бўлиб ўтди. Суратларда: ушбу кўрик-танловдан лавҳалар.



## ЖАРИМАЛАР, ТАНБЕҲЛАР, ТАВСИЯЛАР

● **ОҚҚУРҒОН.** Туман табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ўтган ойда анча самарали ишлади. Табиатни муҳофаза қилиш, ҳайвонот, ўсимликлар дунёсини ҳимоя қилиш бўйича ўндан ортиқ тадбирлар, рейдлар ўтказилди. Сирдарё ва Охангарон дарёлари соҳиллари синчиклаб текширилди. Туманда табиатни муҳофаза қилиш фаолиятларини ишчи-хўжалиқчилар билан ободонлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Салкам 50 минг дахт қўнгалари ўтказилди. Тумандаги қатор корхоналарда табиат ресурсларини муҳофаза қилиш юзасидан ўтказилган тадбирлардан қонунийликни бузиш ҳолла-

ри аниқланди. Масалан, «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Филлимент қўрғонидagi филиалда қатор номзодликларга дуч келинди. Бу ерда қўнгалардан олинган сувни сарфлаш умуман ҳақсиз бўлади. Бу ҳам табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг қўндаланг қилиш натижасидир. Шунинг билан шаҳарда янги сув ҳавзаси қурилиши ва у ердан 12 километр узунидаги сув қувурларининг шайришига таъминлаш ишлари бошланди.

## «ТАБИАТНИ АСРАНГ» КОНКУРСИГА

● **ЯНГИЙЎЛ** шаҳрида табиатни муҳофаза қилиш муаммоларига тобора катта эътибор берилмоқда. Аҳолини экологик тарбиялашга қаратилган турли-туман талбирларни амалга ошириш яхши анъана бўлиб қолмоқда. Яқинда шаҳар мактаблари ўртасида «Табиатни асраш» мавзуда кўрик-танлов бўлиб ўтди. Суратларда: ушбу кўрик-танловдан лавҳалар.




## ЖАРИМАЛАР, ТАНБЕҲЛАР, ТАВСИЯЛАР

ри аниқланди. Масалан, «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Филлимент қўрғонидagi филиалда қатор номзодликларга дуч келинди. Бу ерда қўнгалардан олинган сувни сарфлаш умуман ҳақсиз бўлади. Бу ҳам табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг қўндаланг қилиш натижасидир. Шунинг билан шаҳарда янги сув ҳавзаси қурилиши ва у ердан 12 километр узунидаги сув қувурларининг шайришига таъминлаш ишлари бошланди.

● **БУ** ВОҚЕА ўтган йили бешор пайтда қардош Қозғоғистоннинг Чимкент вилоятдаги Хонарқ қишлоғига яқин жойда рўй берганди. Биз қишлоққа сайр қилгани кетаётган эдик. Бунинг қарангки, ярим йўлга берганда, лавшимиз бузилиб қолди. Шофёр Алижан жибирбайрон, машинани тузатишга кирмишди. Хуллас, пешинга берганда машина тузалди. Шофёр тўри асфальт йўлдан бормасдан, мен яқин йўлни биларман, деб қир олиб юришини айтиди. Биз қир оралаб кетмоқдамиз. Ҳаммаёқ кўн-кўн. Тўғрайлар ўз қишгини айтиб тобора осмонга кўтарилиб саярлаб, баҳорни олқишласа, қиш-кўнлик лопалар қизил гилгага ўхшайди. Йўл-йўлакча бедона сўрашмоқ, ўтлаб юрган янги туғилган қўноқларнинг маънавий қиш қалбига ором бахш этади.

## «ТАБИАТНИ АСРАНГ» КОНКУРСИГА

● **ЯНГИЙЎЛ** шаҳрида табиатни муҳофаза қилиш муаммоларига тобора катта эътибор берилмоқда. Аҳолини экологик тарбиялашга қаратилган турли-туман талбирларни амалга ошириш яхши анъана бўлиб қолмоқда. Яқинда шаҳар мактаблари ўртасида «Табиатни асраш» мавзуда кўрик-танлов бўлиб ўтди. Суратларда: ушбу кўрик-танловдан лавҳалар.



## ЖАРИМАЛАР, ТАНБЕҲЛАР, ТАВСИЯЛАР

ри аниқланди. Масалан, «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Филлимент қўрғонидagi филиалда қатор номзодликларга дуч келинди. Бу ерда қўнгалардан олинган сувни сарфлаш умуман ҳақсиз бўлади. Бу ҳам табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг қўндаланг қилиш натижасидир. Шунинг билан шаҳарда янги сув ҳавзаси қурилиши ва у ердан 12 километр узунидаги сув қувурларининг шайришига таъминлаш ишлари бошланди.

● **ҲОЗИРГИ** вақтда ҳам нормадан ортиқча ташқари табиатни ифлослантириш учун тў-

## «ТАБИАТНИ АСРАНГ» КОНКУРСИГА

● **ЯНГИЙЎЛ** шаҳрида табиатни муҳофаза қилиш муаммоларига тобора катта эътибор берилмоқда. Аҳолини экологик тарбиялашга қаратилган турли-туман талбирларни амалга ошириш яхши анъана бўлиб қолмоқда. Яқинда шаҳар мактаблари ўртасида «Табиатни асраш» мавзуда кўрик-танлов бўлиб ўтди. Суратларда: ушбу кўрик-танловдан лавҳалар.



## ЖАРИМАЛАР, ТАНБЕҲЛАР, ТАВСИЯЛАР

ри аниқланди. Масалан, «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Филлимент қўрғонидagi филиалда қатор номзодликларга дуч келинди. Бу ерда қўнгалардан олинган сувни сарфлаш умуман ҳақсиз бўлади. Бу ҳам табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг қўндаланг қилиш натижасидир. Шунинг билан шаҳарда янги сув ҳавзаси қурилиши ва у ердан 12 километр узунидаги сув қувурларининг шайришига таъминлаш ишлари бошланди.

• Билиб қўйган яхши

## ЎСИМЛИКЛАР ОГОҲ ҚИЛАДИ

Ҳаммага маълумки, инсоннинг ҳужалиқ фаолияти туфайли атроф-муҳитга кўп миқдорда олтингургурт газ, фтор, хлор, кадмий, қўрғош ва азот оксидлари, аммиак ва бошқа шу каби заҳарли моддалар тарқалади. Уларнинг киши саломатлиги учун зарарли миқдорини махсус анжомларсиз аниқлаш қийин. Шунинг учун олимлар бу мақсад учун ўсимликлардан фойдаланишга уришиб кўрдилар. Уларнинг бу сазй-ҳаракатлари бекор кетмади. Қатор ўсимликларнинг ўлчовчи анжом ўрнини бемалол босаолиши маълум бўлди. Қуйида уларнинг айримлари билан танишасиз:

● **ОЛТИНГУГУРТ** газ тарқалганлиги ва миқдорини аниқлашда лишейник олди-га тушадиган ўсимлик йўқ экан. Бу газ ҳар куб метр ҳавода 0,08—0,1 миллиграмм тўпланса ўсимликда фотосинтез жараёни бузилади. Қўнғир доғлар пайдо бўлади. Дарахт ўсимликлари ҳам бу газга нисбатан жуда сезгир ҳисобланади. Чунончи, игнабаргли дарахтлар сезгирлиги жиҳатидан қуйидаги тартибда туради: қорақарағай, оққарағай, қарағай, оддий қарағай, тилоғоч.

● **БИЗ** севган гладиолус ва фрезия гуллари фторнинг ҳавода борлигини бошқа ўсимликлардан олдин сезади. Агар фтор ҳавода кўп бўлса бу гуллар барглари-нинг юқори қисми шикастланади.

● **ЯПОНИЯДА** шу мақсад учун етиштирилган бегониянинг махсус нави ҳаводаги газ миқдори миллиондан 15 қисм бўлганда ҳам кўрсатади.

● **ҲАММАГА** жуда таниш бўлган машхур хона ўсимлиги традиция (аёл иғвоси) ҳам газга таъсир-

чандир. Унинг оталик гули ранги мовийдан душтига айланади.

● **АТРОФ-МУҲИТНИНГ** оғир металллар билан булганганлигини билдирувчи ўсимликлар ҳам бор. Масалан, лола ва атиргул миснинг кўп тўпланганлигини гулбарглари рангининг ўзгариши билан кўрсатади. Гулбарглари мовий, ҳатто қора бўлиб қолади. Селекционерлар бу хусусиятдан фойдаланиб, қора ва мовий лолалар етиштиришга эришмоқдалар. Бундан ташқари, тамаки уруғининг униб чиқиши таққа тўхтаб қолади. Помидор навдаларининг қўнғирлашиши ҳам мис борлигидан далолат беради. Қўрғошнинг мавжудлигини лишейниклар ёрдамида аниқлаш мумкин.

● **АВТОМАШИНАЛАР-ДАН** чиқётган газларнинг инсон саломатлигига зарарли даражада тўпланганлигини ҳам ўсимликлар ёрдамида билса бўлади. Бундай газ кўп миқдорда тўпланса, баргларида ранг берувчи асосий пигмент — хлорофилдан маҳрум бўлган жойлар пайдо бўлади.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

## ИККИ ЙИЛГАЧА ОЧЛИККА ЧИДАЙДИ

Табиатда зулуклар анча кенг тарқалган. Уларнинг тиббиётда фойдаланиладиган турлари ҳам бор экан. Улар ҳақида батафсилроқ билишни истар эдик.

**И. ИСЛОМОВ,  
М. НАБИЕВ,  
Чирчиқ шаҳри.**

**ЗУЛУКЛАР** турли хил бўлади. Ҳозирги вақтга келиб фанга маълум бўлганлари тўрт юз турдан ҳам ошиб кетди. Улар асосан қон сўради, айна вақтда ваҳшийлари ҳам бор. Улар қуртларга, ҳашорат уруғлари ва бошқа майда мавжудотларга, албатта, кучи етадиганларига, ҳужум қилади, ўлдиради ва ейди.

Уларнинг энг фойдалиси, машхур ва яхши ўрганилганлиги тиббиётда фойдаланиладиган зулукдир. У икки йил давомида бир томчи қон сўрмасдан ҳам яшай олади. Улар тиббий мақсадларда фойдаланишдан олдин уч-тўрт ой давомида оч сақланади.

Бундай зулукларнинг оғзида учта айри тиши бўлади. У билан терини ёргач қонни сўришга тушади. Унинг сўлак безлари қон сўриш давомида ўздан герудин моддаси ажратади, бу модда қоннинг қуюлиб қолишига йўл қўймайди. Шу сабабли ҳам қон зулук ошқозонига бетўхтов оқиб тушаверади, бу унча катта бўлмаган мавжудот (унинг узунлиги 12 сантиметрдан камдан-кам ошадиган) бир марта сўриш давомида 50 граммгача қонни «ичаолади».

Унинг ичкаларида алоҳида бактериялар бўлиб, улар қандайдир сирли йўл билан сўрилган қонга шундай ишлов берадики, қон узоқ вақт янгидай тураверади. Шунинг учун ҳам зулуклар тахминан ҳар ярим йилда бир марта оқитланади, юқорида айтганимиздек икки йилга яқин оч юра олади. Уларнинг бундай ажойиб хислатлари учун олимлар зулуклар келажак-

ги порлоқ деб ҳисоблайдилар. Улар узоқ кочнот парвозларига йўл оладиган ракеталарда тажриба жониворлари бўлишини инobatга олмоқдалар.

Тиббиётда фойдаланиладиган зулукларнинг кўзи нечта? Кўпчилик айтса ишонмаслиги ҳам мумкин. Айтишларича, беш жуфт кўзи бор экан, уларнинг ҳаммаси «боши»нинг ёнларига жойлашган.

Зулукнинг яна бир хусусияти унинг гермафродитлигидир. Яъни унинг эркак ҳам, урғочис ҳам бўлмайди. Иккала хусусият ҳаммасида бирдек бўлади. Улар олти йилдан ортиқ яшайди.

Кўпчилик зулук турлари чучук сувларда яшайди, айниқса, кўлмак ҳовуларда, кўллар, секин оқадиган дарёларда кўп бўлади. Ҳатто, денгизларда, яъни шўр сувларда яшовчи турлари ҳам бор. Улар бунга ҳам мослашган. Айримлари қуруқликда яшайди, бу турлари жониворлар учун азоб беради.

Зулукларнинг тупроқда яшовчилари ҳам бор, уларнинг уяси ҳам, емиши ҳам шу ерда бўлади.

• Ҳар тўғрида

## АЙИҚ ГЎШТИДАН ДУДЛАМА

Тополиний қўрғони Еқутистонда, Россиядагина эмас, айна вақтда собиқ СССР республикаларида айиқ гўш-тидан завод шаронтида та-

омлар ишлаб чиқарувчи ягона жой бўлса керак.

Бу ерда давлат ҳужалигининг чет эл асбоб-ускуналари билан жиҳозланган цехи

ишга гуширилди. Цехда бу-ғу гўштидан қазнлар, лос гўштидан маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилган эди. Эндиликда уларнинг қаторига айиқ гўштидан тайёрланган дудламалар қўшилди.

## НАВИ БЕШ МИНГТАДАН ОШИБ КЕТДИ

Ортиқ нави тўпланган. Биргина нокнинг бир мингтадан ортиқ нави бор. Янги коллекциянинг асосини наъматак, дўлана, зирк, тут дарахти ва бошқалар ташкил этади.

Ҳозирнинг ўзидаёқ маймунжоннинг ниҳоятда қимматли хиллари, тутнинг меваси жуда ширин ноёб нави олинди.

## «АХЛАТ» ОРОЛИ МЕВАЛАРИ

Токио қўлтиғидаги ороллари бирда тропик ўсимликларнинг ниҳоятда гаройиб ва гўзал боғи яратилди. У кўринишидан оддий

иссиқхонанинг ўзи, лекин айрим фарқ қиладиган томонлари ҳам бор. Биринчидан, бу боғ бутунлай инсон қўли билан Токиода тўплан-

ган ахлатдан қурилган. Иккинчидан, қувурлар орқали иссиқхонага узатиб берилган иссиқлик ҳам махсус станцияда худди шу ахлатни ёқишдан олинмоқда. «Фото-Япония» — журнали шу ҳақда хабар беради.



● БУСТОНЛИҚДА баҳор.

В. Портнов олган сурат.

## ЙИРТҚИЧЛАР ЕР ТИШЛАДИ

**НИШБОШ,** Кўчбулоқ ва Оҳангарон туманининг қатор бошқа аҳоли манзилгоҳларида истиқомат қилувчиларнинг тинчи бузилиб қолди. Сабаб-йиртқич бўриллар уларнинг чорчасига ҳужум қила бошлади. Кўп пойлашди, лекин мазахўракка ўрганганлари кўлга тушириш имкони бўлмади. Чунки, йиртқичлар бир кун бу қишлоқни ёралавса, иккинчи кун бошқа қишлоқда пайдо бўларди. Ҳар кун шундай эди. Бу тун қайси қишлоққа келишини ҳеч ким билмас эди. Айрим вақтларда бирнеча кунлаб кўринмас, яна бирдан кутилмаган манзилгоҳга келиб чорвага талофат етказарди.

Йиртқичларнинг изига овчилар тушишса ҳам барибир муғомбирларни топишолмади. Бу хабарни эшитган моҳир овчи эски жигаристонлик Юовш мерган ёрдамга келди. У бўриллар изини синчковлик

билан ўрганди. Кўчбулоқдан тўрт километр узоқликда жойлашган теракли сойда йиртқичларнинг деярли ҳар кунни ўтадиган йўлини топди. Шундан кейин чангалзорда чайла курди. Шу ерда бўрилларни тун бўйи пойлаб мижжа қоқмади. Ниҳоят баҳорнинг латсофатли тонги ёришадиган пайтда икки йиртқичнинг олдинма-кейин бепарво келаётганига кўзи тушди. Улар яқинлашган кўшоғиз милтигининг биринчи ўқи билан кўк ёлли катта бўрини ер тишлатди. Орқада келаётгани бироз саросимага жушиб, кейин сой ёқалаб жуфтаникни ростлаётганида иккинчи ўқдан йиқилди.

Иккала бўри ҳам йирик бўлиб, урғочи-эркак экан. Кўчбулоқ ва Нишбош қишлоқлари аҳолиси моҳир мерганга қизгин миннатдорчилик билдирди.

**М. МУҲАМЕДОВ.**

Ушбу саҳифа материалларини вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси фан-техника тараққиёти ва тарғибот бўлими ҳамда «Тошкент ҳақиқати» газетаси ходимлари тайёрлаган.





СУРАТЛАРДА: (ўнгда) «Заман» газетасининг бош директори Ножи Тўсун; (чапда) мажлислар залда.

Д. АҲМАД суратлари.

## АДИБГА БАҒИШЛАНДИ

ЎЗБЕК адабиётининг йirik вакилларида бири бўлган Фафур Ғулом ўзининг 63 йиллик умри давомида келажак авлод учун унутилмас асарлар ёзиб қолдирди. Унинг «Шум бола», «Ёдгор», «Сен етим эмассан», «Нетай», «Кўкан», «Турксиб йўлларида», «Вақт» сингари асарларини ҳозирги кунда ҳам ўқувчилар қўлдан қўймай ўқийдилар.

Яқинда Юқори Чирчиқ районининг Кавардон қишлоғида академик шоирнинг 90 йиллик юбилейига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Унда район кутубхоналарида хизмат қилаётган 40 нафар кутубхоначи, У. Юсупов номли 3-урта мактаб ўқувчилари ва Кавардон қишлоғида яшаб ижод қилаётган ёш қаламкашлар иштирок этдилар. Қаламкашлар Собир Олимжон ва Малик Одиллов кеча қатнашчиларига шоирнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида сўзлаб, ўзларининг янги машқларидан намуналар ўқидилар.

Кеча сўнггида Кавардон қишлоқ клуби қошидаги бадий ҳаваскорлик ансамбли қатнашчилари йиғилганларга куй-қўшиқлар ҳаёти эдиладар. Қишлоқ кутубхоначиси С. Ғурмонова уюштирган бу кеча барчада катта таассурот қолдирди.

Л. МАНСУРОВ.

## ТЕХНИКУМДА АДАБИЙ КЕЧА

ТОШКЕНТ матбаа техникумда Фафур Ғулом таваллудининг 90 йиллигига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Унда шоирнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида техникум талабаси Ҳилола Толипова маъруза қилди. Ўқувчилар Фафур Ғуломнинг «Турксиб йўлларида», «Сен етим эмассан» каби шеърларини ёддан ўқидилар.

Кечада «Ёзувчи» нашриётининг муҳаррири, шоир Абдували Қутбиддин ҳамда шу нашриёт проза бўлимининг мудирини Ёқутхон Раҳимовалар адиб ҳақида қизиқарли ҳикояларни сўзлаб бердилар. Кеча сўнггида шоир Абдували Қутбиддин ўз шеърларидан намуналар ўқиб берди.

Ф. ИБРОҲИМХУЖАЕВА, техникумнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

# ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ

13—14 май кунлари Киночилар уйида Тошкент молия институтини ва «Заман—Ўзбекистон» газетаси ҳамкорликда уюштирган «Бозор иқтисоди ва унинг ривожланиш принциплари» мавзунда халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Бу анжуманда Туркия, Марказий Осиё мамлакатларидан йirik иқтисодчи олимлар, мутахассислар иштирок этдилар.

Икки кун давом этган симпозиумни Ўзбекистон республикаси Бош Вазирининг ўринбосари М. Қорабоев очиб, бозор иқтисодига ўтишни жадаллаштиришда бундай халқаро анжуманининг аҳамияти катта экан-

лигини таъкидлади. Туркиянинг Ўзбекистондаги Буюк элчиси Вулқон Чўтур ва ташкилий қўмита вакили, «Заман—Ўзбекистон» газетасининг Туркиядаги бош мудирини Ножи Тўсун анжумани ташкил этишда ёрдам бергани учун Ўзбекистон ҳукуматига миннатдорчилик билдирдилар ҳамда халқаро доирадаги бу анжуманининг аҳамияти тўғрисида тўхталдилар.

Анжуман иштирокчилари туркиялик профессорлар Февзи Деврим, Аднан Гулларман, Тошкент Молия институтини ректори, профессор М. Шарифхўжаев, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг етакчи

маслаҳатчиси, иқтисод фанлари доктори, профессор Р. Каримов ва бошқа қатор олимларнинг иқтисодий муаммоларга бағишланган маърузаларини қизиқиш билан тингладилар. Профессор Р. Каримовнинг «Бозор воситасида иқтисодни модернизациялаш миллий дастури» мавзундаги маърузаси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

— Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга тадбиқ этмай туриб бозор иқтисодига ўтишда кўзланган мақсадларга эришиш қийин, — деди у. — Чунки бу борада олиб борилаётган ишнинг моҳиятини халқимиз тўла тушуниб ет-маса, уни қўллаб-қувватла-

маса бозор иқтисодига ўтишни тезлаштириб бўлмайди. Мафкура эса техник-ташкilian томонларинигина эмас, халқнинг миллий удумлари, анъаналари, урф-одатларини ҳам эътиборга олишни талаб этади.

Туркиядаги ва Марказий Осиё мамлакатларидаги ҳозирги иқтисодий аҳвол, шунингдек, мавжуд муаммоларни ҳал этишда ҳукумат томонидан қўлланилаётган муҳим чора-тадбирлар анжуман иштирокчиларини кўпроқ қизиқтирди. Бу борадаги саволларга етакчи мутахассис олимлар жавоб қайтардилар.

Баҳс-мунозаралар асосида ўтган бу йirik анжуманда вилоятимиздан ҳам бир гуруҳ вакиллар иштирок этишди.

З. ЭРАЛИЕВА.

## Мутахассис оғоҳлантиради

# ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ЗАҲАРЛИ ҚЎЗИҚОРИН

БАҲОР фаслида дала-ларда қўзиқоринлар кўпаяди. Шаҳарликлар эса қўзиқорин териш учун далаларга чиқишади. Ҳозирги кунгача вилоят аҳолиси ўтган йилда Тошкент вилоятининг Оққўрғон районларида қўзиқориндан заҳарланиш ҳолатлари содир бўлганини эсдан чиқармаган бўлсалар керак, бу бир неча одамнинг ҳаётига зомин бўлганди. Биргина Оққўрғон районинда қўзиқориндан 6 киши заҳарланган, бир ёш болали жувон ҳаётдан бевақт кўз юмганди. Шундан келиб чиқиб, бугунги сўзимизни ушбу мавзуга қаратсак.

Унутмаслик керак, ҳамма қўзиқоринлар ҳам ейиш учун яроқли бўлавермайди ва улар истеъмол учун яроқли ва яроқсиз гуруҳларга бўлинадилар.

Истеъмол учун яроқлиси шундай қўзиқоринларки, уларни бирламчи ва қўшимча ишлов бермасдан танавул қилса бўлаверади, булар жумласига оқ қўзиқорин, «подберёзовик», «маслёнок» ва айрим пластинкали (шампиньон, опята, лисички) каби турлари кирадилар. Шартли равишда истеъмол учун яроқли бўлган қўзиқоринларни истеъмол қилишга тайёрлашдан олдин уларни (строчки, сморчки, сироечки, свипушки) қайнатиш зарур ва қайнаган сувни тўкиб ташлаш керак бўлади. Грузди, подгрузди, волнушки, чернушки каби турларини эса оқиб турган сувда бир неча маротаба ювиб

юборгандан кейин ишлов бериш мумкин.

Истеъмол учун яроқсиз бўлган гуруҳга ташқи белгилари билан ажралиб турадиган (сарик рангли қўзиқорин ва бошқалар) ҳамда заҳарли қўзиқоринлар кирадилар. Бу қўзиқоринлардан заҳарланиш ҳоллари кўпинча ўлим билан тугайди. Строчки, бледний поганка, мухамор ва бошқа заҳарли қўзиқоринлар билан заҳарланиш ўта хавфлидир, уларнинг таркибиде заҳарли модда — токсин бор, у эса қонга, юракка, буйракка таъсир қилади.

Касалликнинг биринчи белгилари қўзиқоринни истеъмол қилгандан 4—12 соат ўтгандан кейин — бўшашиб кетиш, кўнгил айнаш, қоринда оғриқ пайдо бўлиш, тез-тез қусиш, бош оғриғи ва айланиши, тез-тез ич кетиши, тананинг, кўзнинг сарғайиши, баъзи ҳолларда қалтироқ тутиши, ўзини бошқаролмай қолиши набилирдир. Заҳарли қўзиқорин истеъмол қилган эмизикли оналарнинг сути орқали болаларга ҳам ўтиши мумкин.

Касалликнинг юқорида қайд этилган биринчи белгиларини сезганда умга тез ёрдам кўрсатиш керак, яъни илқ сув билан ошқозонни

ювиш, сувга эса истеъмол содаси, марганцовка, 0,5 фоизли танин қўшиш мувофиқдир, кейин эса тезда тегишли шифокорларга зудлик билан мурожаат қилиш керак.

ҚЎЗИҚОРИНДАН ЗАҲАРЛАНИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ:

— қўзиқорин терувчи одам унинг истеъмол учун яроқли ёки яроқсизлигини ажрата билиши керак, акс ҳолда уни термаган маъқул;

— агарда қўзиқорин теришда ёш болалар қатнашган бўлса, бу қўзиқоринларни билладиган катта ёшдаги одамлар қайта кўздан кечириши керак;

— ўта етилган, қурт босган, айнаган, қорайган қўзиқоринларни термаслик зарур;

— истеъмол учун яроқли қўзиқоринларни тановул қилишдан олдин уни албатта тозалаш ва ишлов бериш керак.

— пластинкали қўзиқоринларни тайёрлаш: уни фақат тузлаш ёки маринировка қилиш керак, бунинг учун 5—7 дақиқа ичида тузли сувда қайнатиш ва совуқ сувда чайқаб олиш талаб этилади. Пластинкали қўзиқоринларни қуритиш ёки

ундан икра тайёрлаш мумкин эмас;

— қўзиқоринларни консервалаш учун 120°C да 30 дақиқа ичида стерилизация қилиш керак. Бу эса ҳеч қачон уй шароитида амалга ошириб бўлмайдиган ишдир, шунинг учун ҳеч қачон уй шароитида қўзиқоринни консерваламанг!

— қўчалардан қўзиқорин ёки уй шароитида тайёрланган консерваланган қўзиқоринларни сотиб олманг!

Сизнинг нигоҳингизни шунга қаратамизки, қиш туғаб, кўпгина оилаларда ҳар хил консерваланган маҳсулотлар қолган — меза, сабзавот ва бошқалар. Шунинг эсдан чиқармаслик керакки, нотўғри сақланган бу маҳсулотларни истеъмол қилиш оқибатида «Ботулизм» хасталиги билан касалланиш ҳам мумкин. Яна бир бор эслатамиз, оғоҳлантирамизки, қўзиқорин ва уй шароитида консерваланган маҳсулотларни истеъмол қилишда ўта эҳтиёт бўлинг. Ўзингизнинг, болаларингизнинг ва яқин, ёру-биродарларингизнинг соғлигини сақланг!

И. МАВЛОНОВ, Тошкент вилояти санитария-эпидемиология станциясининг овқатланиш гигиенаси вақти.

# ФУТБОЛ

● **КЕЙИНГИ** кезларда республика миллий биринчилиги олий табақаси иштирокчиси бўлган Наманганнинг «Косонсой» жамоаси номи газета ва билдирувларда ҳар хил ёзиладиган бўлиб қолди. Айниқса, сўнгги кунларда «Косонсой» номи тез-тез такрорланяпти. Биз ана шу жумбоқни аниқлаш мақсадида «Пахтакор» — «Косонсой» учрашувини олдиндан наманганликлар бош мурабийси, собиқ пахтакорчи Равил Баҳоутдинов

билан суҳбатда бўлдик.

— Аслида жамоамизнинг номи «Косонсой». Лекин, «Косонсойчи» ёхуд «Косонсой»ни ким ўйлаб тошгани бизга қоронғу. Шу бугун Тошкентга, футбол федерациясига жамоамиз номини ўзгартириш ҳақида тақдирнома олиб келдик. Уни «Косонсой» деб номлашга аҳд қилдик. Лекин, ҳали мутасаддир раҳбарлар бу номни тасдиқлашлари керак.

Ўйин майдон эгаларининг ҳужум билан бошланди ва

## ҲИСОБ ҚОНИҚТИРМАДИ

ташаббус бутун 90 минут давомида мезбонлар измида бўлди. Аввалги учрашувда майдондан чиқариб юборилган ва кейинги ўйинда ўз-ўзидан қатнашиш ҳуқуқига эга бўлмаган Шухрат Мақсудов ўринга Миржалол Қосимов майдонга тушди. У командадош дўстлари ҳужумига бошчилик қилиб, футболчилар ҳаракатини қувуштириб турди, ўзи ҳам бирнеча хавфли вазиятлар ярата олди. 21-минутда Нуръшон Ҳасанов ҳисобни очди. Шундан кейин ҳам, учрашувнинг иккинчи бўлимида ҳам нахтакорчилар ус-

туликни қўлларидан сақласаларда, бошқа тўп кирита олмадилар. Учрашув 1:0 ҳисобида тугади.

Учинчи турда энг йирик ҳисоб Бухоро шаҳрида қайд этилди. «Нурафшон» Гулистоннинг «Шифокор» жамоасини 8:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Шунинг айтиш керакки, бухороликлар бундан аввал ўтказилган тўққиз ўйинда ҳаммаси бўлиб ўн тўп киритишган бўлса, бу сафар битта ўйинда рақиблари дарвозасини сақкиз марта ишғол эта олдилар. Қолган учрашувлар қуйидаги натижалар билан якун-

ланди: МХСК (Тошкент) — «Наврўз» 3:3, «Сўғдиёна» — «Нефтчи» — 1:1, «Орол» — «Темирйўлчи» — 1:0, «Политотдел» — «Навбахор» — 0:2, «Динамо» — «Трактор» — 2:0, «Янгир» «Чирчиқ» — 4:1.

Ун турдан сўнг 17 очко тўплаган «Пахтакор» пешқадамлик қилмоқда. Иккинчи ўринни эгаллаб турган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоасида 15, Жиззахнинг «Сўғдиёна» ва Наманганнинг «Навбахор» футболчилари ҳисобида 13 тадан очко бор.

19—21 май кунлари Ўзбекистон кубоги учун 1/16 финал ўйинлари (жавоб учрашувлари) бўлиб ўтади.

У. ШАРОПОВ.

## ПУЛ БИЛАН ТАҚДИРЛАНИШДИ

УРТАЧИРЧИҚ тумани мактаблари, болалар боғчаларида ёшларни экологик тарбиялашни яхшилаш мақсадида турли омиллардан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Яқинда туман бўйича ўтказилган ана шу мақсад кўзланган тадбир — «Табиат ва биз» мавзусида ўтказилган кўрик-танлов ҳам ўзига хос байрамга айланди. Унда тумандаги сал кам элликта мактаб жамоаларининг кўпчилиги иштирок этди.

Ваколатли ҳакамлар ҳайъати ғолибларни икки йўналиш бўйича аниқлади. Табиат муҳофазасига бағишланган кўргазмалар ва бадий ҳаваскорлар тайёрлаган концерт дасталарини ҳисобга олди.

Кўргазмада 27-, 51-мактаблар, 5-, 8-болалар боғчалари жамоалари ғолиб, деб топилди. Бадий ҳаваскорлик бўйича эса 38-, 68-мактаблар биринчи ўринни эгалладилар. Шунингдек, қатор мактаблар ва болалар боғчалари иккинчи, учинчи ўринларга лойиқ деб топилди. Барча ғолибларга пул мукофотлари ва дипломлар топширилди. Бундай кўрик-танловни анъанавий равишда ўтказишга қарор қилинди. Навбатдаги кўрик-танлов шу йил июнида бўлади.

А. ПШЕНИЧНОВ.




## БИР ШИНГИЛ ТАБАССУМ

— Ўзи ёқади, пули чақади...

— Ҳикоямнинг тугуни йўқ деган эдингиз...

Ароқхўрнинг ички олами.

Ғ. ТУЛАГАНОВ ва Ш. СУБ-ҲОНОВ чизган расмлар.



## ҚАТРАЛАР

ҚУРҚОҚНИНГ ҚОЛИ

— БЕГОНА эмасман. Менин аждодларим ҳам шу ерда униб ўсган. Ердаги озуқани сен билан тенг баҳам кўришим керак. — ўшқиради ўт экинга.

— Ердан унибсанки, мени турткилаб давдага қиласан. Сени бегона деямманми? Тинч қўйсанг-чи, мени, — деди ювошгина экин. Дам ўтмай чаққон қўл ўт-

ни илдизи билан суғуриб ташлади.

— Бечора ўт деҳқонга бегона-да, қўрқанидан олдинроқ «мушт» кўтараётган экан, — деди ёнидаги иккинчи ниҳол-экин.

ИККИ ҚУРТ

КЕСИЛГАН тут баргига яшириниб қуртхонага кирган оддий қурт ипак қуртига дардини ёзади:

— Сен доим эъзоздасан. Авайлаб сени сўридаги шохона супада боқишади. Менга-чи, оёқ остида ҳам кун йўқ.

— Мен ҳар тановулда юртнинг бахтини, асл кийимини ўйлайман. Шу йўлда жонни фидо қиламан. Сенчи, фақат ўзим бўлай дейсан. Шунинг учун эл сендан ҳазар қилади. Бекор қилибсан-да. Ҳозир эзгилаб отишади сени.

Ғани АБДУЛЛАЕВ, боғбон.

## ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг

ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

1993 йил 25 майда

### ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 1-мавзе, Чилонзор кўчаси, 9-уй, (2, 94, 34, 77, 50-автобуслар; 6, 11-троллейбуслар; 9, 11-трамвайларнинг «Чилонзор» бекати. Метронинг «Ҳамза» бекати).

ГАЗЕТХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

РЕКЛАМА ВА ШАХСИЙ ЭЪЛОНЛАРНИ ЧОП ЭТИШ ЮЗАСИДАН

Сизнинг реклама ва эълонларингиз бизнинг газетамиз саҳифаларида зудлик билан босиб чиқарилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг РЕКЛАМА-АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ бизнинг газетамиз учун

### БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

«ШАРҚ» концерни реклама-ахборот агентлигининг манзили: 700000, Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32-уй, 252-хона.  
ТЕЛЕФОНЛАР: реклама — 33-81-42, 46-85-67, 32-57-27, 32-56-66.

## ЎЗБЕКИСТОНЛИК ПОЛВОНЛАР БЎШ КЕЛИШМАДИ

Омскда бўлиб ўтган грекча-римча кураш бўйича халқаро мусобақада Ўзбекистон Республикаси полвонлари тўққизта мукофотни қўлга киритдилар. Спорт устозлари К. Фаткуллин, О. Дубов, Р. Биктяков тайёрлаган командамиз халқаро мусобақаларда ҳеч қачон бундай катта муваффақиятга эришмаган эди. Тошкентлик Дмитрий Коршунов (48 килограммгача вазид) ва Баҳодир Қурбонов (62 килограммгача вазид), Самарқандлик Наврўз Усмонов (57 килограммгача вазид) ва Григорий Пуляев (68 килограммгача вазид) олтин медални қўлга киритдилар. Самарқандлик Аслиддин Худойбердиев билан тошкентлик Рустам Сундеев ўз вази тоифасида шохсупанинг иккинчи босқичига кўтариладилар, улар биринчи марта спорт устаси нормативини бажардилар.

Тошкентлик Руслан Биктяков, Искандарбек Ҳамроев, Озод Садриев бронза медалларини қўлга киритдилар. Озод Садриев эса қўшалоқ муваффақиятга эришди. У Омскдан тўғри Бишкекка, ёшлар мусобақасига жўнаб кетди. У ерда 48 килограммгача вазилликлар орасида Озодга тенг келадиган полвон топилмади.

Тошкентлик Маҳмуд Урмонов ва самарқандлик Дялшод Жўраевлар ҳам Бишкекда ўз вази тоифасида учинчи ўринни эгалладилар. (ЎЗА мухбири).

Мухаррир  
Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000094. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табақ. Буюртма Ғ—171. 30575 нусхада босилди. Индекс: 64672. Босишга топширилди вақти — 20.30. Босишга топширилди — 20.15.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар Бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6